

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ  
АКАДЕМИЯСИ**

**ҒАЙБУЛЛАЕВ ФАРРУХ ЮЛДАШЕВИЧ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ  
КУРАШИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.12-Коррупция муаммолари (юримдик фанлар бўйича)

юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (Dostor of Philosophy) диссертацияси  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2025 йил

УЎК: 343.35:328.185(575.1)

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Ғайбуллаев Фаррух Юлдашевич**

Олий таълим тизимида коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини  
тақомиллаштириш.....3

**Ғайбуллаев Фаррух Юлдашевич**

Совершенствование правовых основ противодействия коррупции в системе  
высшего образования.....24

**G'aybullaev Farrux Yuldashevich**

Improvement of the Legal Framework for Combating Corruption in the Higher  
Education System.....44

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

List of published works

Список опубликованных работ.....48

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.31/31.12.2020.Үн.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ  
АКАДЕМИЯСИ**

**ҒАЙБУЛЛАЕВ ФАРРУХ ЮЛДАШЕВИЧ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ  
КУРАШИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.12-Коррупция муаммолари (юримдик фанлар бўйича)**

юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (Dostor of Philosophy) диссертацияси  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2025 йил

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2025.1.PhD/Ү1846 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.proacademy.uz](http://www.proacademy.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Тошев Бобоқул Норқобилович**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Мамасиддиқов Музаффаржон Мусажонович**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Қулматов Шароф Асадович**  
юридик фанлар номзоди, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/31.12.2020.Ү1.67.01 рақамли илмий кенгашнинг 2025 йил 15 июль куни соат 14:30 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100197, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9. Тел./факс: (+99871) 202-04-96; e-mail: [info@proacademy.uz](mailto:info@proacademy.uz)).

Диссертация билан Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (60-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100197, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9. Тел./факс: (+99871) 202-04-96).

Диссертация автореферати 2025 йил 03 июль куни тарқатилди.  
(2025 йил 03 июлдаги 25-рақамли реестр баённомаси).

**М.А.Аминжорова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

**Ш.И.Шайзаков**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**В.Каримов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

## Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда суъний интеллект (СИ) жорий этилиши ва барча соҳаларга кенг кириб келиши оқибатида олий таълим муассасаларида меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларда коррупцияга қарши курашишнинг энг самарали усуллардан бири сифатида баҳоланмоқда. Шу боисдан «БМТнинг 2030 йилгача Барқарор Ривожланиш Мақсадларида олий таълим барқарор иқтисодий ўсишнинг етакчи омили сифатида кўрсатилишининг ўзи бежиз эмас»<sup>1</sup>. Ҳозирги кунда Хитой, АҚШ ва Буюк Британия каби ривожланган давлатлар олий таълимда коррупцияга қарши курашишда СИни қўллаш бўйича 31,8% кўрсаткичга эришиб етакчилик қилмоқда<sup>2</sup>. Бу эса дунёда олий таълим муассасаларида меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларда коррупцияга қарши курашиш юзасидан тадқиқотлар олиб боришнинг илмий-назарий ва амалий ечимини топишда долзарб аҳамият касб этади.

Дунёнинг барча мамлакатларида 235 миллиондан ортиқ талабалар таҳсил олаётган бўлса, уларнинг 6 миллионига яқини хорижий мамлакатларда ўқимокда<sup>3</sup>. Бу кўрсаткич олий таълим муассасаларида академик ҳалоллик, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларда бошқарув ходимлари билан ҳуқуқий муносабатларда коррупциянинг келтириб чиқариш хавфи юқори эканлигини кўрсатади. ЮНЕСКО томонидан олий таълимга оид 6 та минтақавий конвенция қабул қилинган бўлиб, ҳозирда 126 та давлат уларнинг айримларини ратификация<sup>4</sup> қилганлиги, олий таълимда меҳнат оид ҳуқуқий муносабатларда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва унга қарши курашишда инновацион ташаббусларни илгари суриш, бутунжаҳон академик алмашинувини қўллаб-қувватлаш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймасликнинг барча чораларини кўриш, соҳани рақамлаштириш орқали адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш юзасидан кенг қўлланма тадқиқотлар ўтказиш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2024 йил 15 июль куни олий таълим сифатини ошириш масалаларига бағишланган йиғилишда ҳам ўз вазифаси сифатида тармоқ, корхона ва ОТМлари узвийлигини мустаҳкамлаш, ўз соҳасида илғор, рақобатдош мутахассислар тайёрлаш зарурлигини белгилаб берди<sup>5</sup>. Ҳозирги кунда олий таълим соҳасида коррупцияга қарши курашишда бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, олий таълим муассасаларидан олинган турли ҳисобот ва маълумотлар сонини кескин камайтириш, уларни тайёрлашнинг қоғоз шаклидан воз кечиш,

<sup>1</sup> [Электрон манба]. URL: <https://www.unesco.org>.

<sup>2</sup> [https://www.universityworldnews.com/page.php?page=Edtech\\_AI\\_Hub](https://www.universityworldnews.com/page.php?page=Edtech_AI_Hub)

<sup>3</sup> Олий таълимга оид халқаро ва минтақавий конвенциялар: имкониятлар ва истикболлар [Матн]: методик қўлланма / Ш.Якубов ва бошқалар. – Т.: “Ҳаётчи нашрийоти”, 2024. – 3 б.

<sup>4</sup> Ўша манба. 6 б.

<sup>5</sup> Мирзиёев Ш.М. Послание Президента Олий Мажлису. 22 декабря 2018 года ([www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)). / Коленко Е.В. Опыт зарубежных стран в сфере противодействия коррупции // Учебное пособие. -Т.: Правоохранительная академия Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан, 2025. -16 с.

бошқарув тизимини рақамлаштириш мақсадида «Рақамли университет» лойиҳаси доирасида «Олий таълим жараёнларини бошқариш ахборот тизими» (HEMIS – Higher Education Management Information Systems)<sup>6</sup> ишлаб чиқилди. Бу эса олий таълим соҳасини рақамлаштириш орқали аҳоли муурожаатлари 2,2 бараварга камайиб, 35 турдаги ҳужжатлар инсон аралашувисиз тақдим этилишига эришилди<sup>7</sup>. Шу билан бирга, 2024 йилдан бошлаб Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги рақамли трансформация рейтингига 93.64% балл билан «яшил» тоифасида нуфузли 1-ўринни, давлат бошқарув органлари орасида эса 3-ўринни эгаллади<sup>8</sup>. Бироқ, бу кўрсаткичлар олий таълим тизимида меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларда коррупциявий ҳолатлар ҳамон кузатилаётганлиги, унинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (2023), «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида» (2017), «Таълим тўғрисида» (2020), «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида» (2022), «Педагог мақоми тўғрисида»ги (2024) «Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида»ги (2024) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги (2019), «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2019), «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2020), «Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2023) Фармонлари, «Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2021), «Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2022), «Аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини узлуксиз ошириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2024) Қарорлари ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари билан боғлиқлиги.** Ушбу диссертация республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан I. «Ахборотли жамият ва демократик давлатнинг ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий ҳамда таълим соҳалари

<sup>6</sup> Эшмуродов А., Мамарасулов М. Олий таълим ислохотлари: сон ва сифат кўрсаткичлари [Матн] : методик қўлланма /– Тошкент: “Sano-Standart”, 2023. – 6 б.

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши курашиш бўйича Миллий кенгаш йиғилиши. //05.03.2025 йил. <https://president.uz/uz/lists/view/7924>.

<sup>8</sup> <https://nis.egov.uz/>

ривожланишида инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Мавзунинг ўрганилганилиги даражаси<sup>9</sup>.** Олий таълим тизимида коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар масалалари мамлакатимизда мустақил тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Республикамиз олимларидан Б.Ахроров, А.Бурханов, Р.Зуфаров, Б.Исмаилов, Е.Коленко, Г.Маликова, М.Мамасиддиқов, У.Тухташева, Р.Мирзаев, Ш.Қобилов ва бошқалар илмий ишларида коррупцияга қарши курашишнинг у ёки бу жиҳатлари илмий ёндашувлар асосида ўрганилган.

Шунингдек, И.Джураев олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш, А.Атажанов суд тизимида коррупция ҳолатлари, М.Абдуллаева халқ таълимида коррупциянинг олдини олиш, У.Алоев коррупциянинг қонун ҳужжатларига таъсирини баҳолаш, О.Исмоилов коррупциявий латент жиноятларни фош этиш усуллари, Т.Кенжаев коррупцияга қарши экспертиза, С.Маманов «комплаенс-назорат», Б.Исмоилов прокурор назорати, М.Мухаммадиева фуқаролик жамияти институтлари соҳаларида коррупцияга қарши курашиш масалаларини, З.Қўчқоров олий таълимда коррупцияга оид хавф-хатарларни аниқлаш, бартараф этиш масалалари, Т.Сафаров идоравий коррупцияга қарши курашиш механизмларини тадқиқ қилган.

Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг айрим жиҳатлари чет эл эксперт ва олимларидан Дж.Айолфи, И.Гайка, Б.Добовчек, Г.Клеменчич, В.Лёбо, З.Ледергербер, У.Лу, М.Мореншлагер, Б.Понтифекс, О.Савран, Я.Стусек, К.Уриарте, О.Зудова<sup>10</sup>лар томонидан тадқиқ этилган.

Шу сабабли олий таълим тизимида, айниқса меҳнат муносабатларида коррупцияга қарши курашишнинг илмий, ҳуқуқий асосларини тадқиқ қилиш

---

<sup>9</sup>Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи: [www.unistra.fr](http://www.unistra.fr); [www.nus.edu.sg](http://www.nus.edu.sg); [en.seoultech.ac.kr](http://en.seoultech.ac.kr); <https://www.helsinki.fi>; [www.ku.dk](http://www.ku.dk); [www.harvard.edu](http://www.harvard.edu); [www.stanford.edu](http://www.stanford.edu); [nrc.canada.ca](http://nrc.canada.ca); [www.sfo.gov.uk](http://www.sfo.gov.uk); [www.nationalcrimeagency.gov.uk](http://www.nationalcrimeagency.gov.uk); [www.transparency.org](http://www.transparency.org); [www.izak.ru](http://www.izak.ru); [www.msu.ru](http://www.msu.ru); [www.ctya.py](http://www.ctya.py); [www.tsul.uz](http://www.tsul.uz); [www.akadmvd.uz](http://www.akadmvd.uz); [www.proacademy.uz](http://www.proacademy.uz); Deliversky J. Preventing corruption in the education system // Journal of educational and instructional studies in the world. – June 2016. – Vol. 6. – Special Issue 1. – 142-156 pp. Lee-Jones K. Overview of corruption and anticorruption in Central Asia // Transparency International. – 2021. [Electronic resource]. URL:[https:// knowledgehub. transparency.org/ assets/ uploads/ helpdesk/Regional-Overview-of-corruption-and-anti-corruption-in-Central-Asia\\_2021\\_PR.pdf](https://knowledgehub.transparency.org/assets/uploads/helpdesk/Regional-Overview-of-corruption-and-anti-corruption-in-Central-Asia_2021_PR.pdf) (reference date: April 6, 2021). Lewis D.G. Tackling Corruption in Uzbekistan: A White Paper // Open Society Eurasia Program, Police report, June 2016. – 28 p. Quah J. Learning from Singapore’s effective anti-corruption strategy: Policy recommendations for South Korea // Asian Education and Development Studies. – No 6(1). – 14-22 pp.;

<sup>10</sup> Luís Sousa. Anti-corruption agencies: between empowerment and irrelevance. Crime, Law and Social Change, Springer Verlag, 2009., Alina Mungiu-Pippidi, ‘Seven Steps to Control of Corruption: The Road Map’, Daedalus, 2018., Avinash Dixit, Anti-Corruption Institutions: Some History and Theory, in K. Basu, T. Cordella (ed), Institutions, Governance and the Control of Corruption. Springer, 2018., Ronald Kroeze, et al, Anticorruption in History: From Antiquity to the Modern Era. Oxford University Press, 2018., Francisco Cordona, Anti-corruption policies and agencies. Centre for Integrity in the Defense Sector, Guides to Good Governance, No.3, 2015., John R. Heilbrunn, Anticorruption Commissions: Panacea or Real Medicine to Fight Corruption. World Bank Institute, 2004., Горан Клеменчич и др. “Специализированные институты по борьбе с коррупцией: Обзор моделей” 2006 г.

долзарб ҳисобланади. Диссертация натижалари келгусида шу каби илмий тадқиқотларга методологик асослардан бири бўлиб хизмат қилади.

**Диссертация мавзусининг олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган ҳамда «Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги долзарб муаммолар» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** олий таълим тизимида меҳнатга оид муносабатларда коррупцияга қарши курашишнинг механизмлари ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг самарадорлигини оширишга қаратилган илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

коррупциянинг мазмуни, моҳиятини ва тавсифларини ўрганиш асосида унинг ҳуқуқий табиатини аниқлаш ҳамда муаллифлик таърифини ишлаб чиқиш;

олий таълимда меҳнат муносабатларида коррупциянинг ўзига хос жиҳатларини кўрсатиш, коррупциявий омиллар ва унга қарши курашишнинг умумбашарий кўринишларини ўрганиш;

ОТМдаги коррупциявий омиллар, хавф-хатарлар келиб чиқиши сабабларини аниқлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг ўзига хос жиҳатларини кўрсатиш;

олий таълимда меҳнатга оид муносабатларда коррупциянинг юзага келиши сабаблари ва тартибга солиш механизмларини аниқлаш, унга қарши курашишга оид жараёнларни илмий-назарий баҳолаш;

Олий таълим тизимида меҳнат муносабатларида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бошқариш тизимини таҳлил қилиш ва таклифлар ишлаб чиқиш;

Олий таълим тизимини рақамлаштириш меҳнатга оид муносабатларда коррупциянинг олдини олишнинг механизми сифатида ўрганиш, таҳлил қилиш ва уни такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқиш;

Олий таълим муассасаларида академик ҳалолликни таъминлашга доир илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва академик ҳалолликни таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини шакллантиришга оид таклифлар ишлаб чиқиш;

Олий таълим соҳасида коррупцияга қарши курашишда ҳуқуқни қўллаш амалиётини кучайтириш ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

Олий таълимда меҳнат оид муносабатларда коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиётини кучайтириш ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** олий таълим тизимида меҳнатга оид муносабатларда коррупцияга қарши курашиш механизмларини

такомиллаштириш ва тартибга солиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар тизимидан иборат.

**Тадқиқотнинг предметини** олий таълим соҳасида меҳнатга оид муносабатларда коррупцияга қарши курашишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар, халқаро-ҳуқуқий нормалар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, назариялар, доктриналар, ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва ғоялар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот олиб боришда тизимли, статистик, қиёсий ҳуқуқий, мантиқий, ижтимоий тадқиқот усуллари (олий таълим тизимида коррупцияга доир суд қарорлари ўрганиш), матбуотдаги ҳужжатлар ва материалларнинг мазмунини таҳлил қилиш, ретроспектив-тарихий, индукция ва дедукция, илмий манбаларни комплекс тадқиқ қилиш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

педагогик кадрларни олий таълим ташкилотларига ишга қабул қилишда молиявий мустақиллик берилган олий таълим ташкилотларига алоҳида тартиб жорий этилиши зарурати асослаб берилган;

қасддан содир этилган жиноят учун илгари судланган шахсларнинг Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, вазирлик тизим ташкилотлари, ҳудудий бўлинмалари ҳамда олий таълим ташкилотларига раҳбарлик лавозимларига тайинланишини таъқиқлаш зарурлиги илмий-амалий асослантирилган;

вазирлик томонидан идоравий мансублигидан қатъи назар, давлат ва давлат иштирокидаги олий, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотлар фаолиятида соҳага оид қонунчиликка риоя этилиши мониторингини олиб боради, қонун ҳужжатлари ва таъсис ҳужжатларида аниқланган бузилишларни бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиши зарурлиги белгилаш таклифи илмий асослантирилган;

Олий таълим вазири коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ Вазирлик тизимида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўли билан уларни содир этишга имкон яратувчи омилларни аниқлаш, таҳлил қилиш, сабаб ва шароитларини бартараф этишига оид таклифи асослантирилган;

вазирлик тизимидаги олий таълим ташкилотлари, ташкилотлар ва ҳудудий бошқармалар раҳбарлари ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонунчиликни такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали ҳудудий бошқармалар тизимида қонунчилик талабларига мувофиқ коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлашига оид функционал

вазифаларини белгиланиши зарурлигига оид таклифи илмий асослантирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

«олий таълимда меҳнат муносабатларида коррупция», «олий таълимда меҳнат муносабатларида манфаатлар тўқнашуви», «олий таълимда коррупциявий ҳуқуқбузарликнинг шакллари», «академик ҳалоллик» тушунчаларига назарий-ҳуқуқий тарифлар ишлаб чиқилган;

олий таълимда меҳнат муносабатларида коррупциявий омилларни аниқлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш йўллари ҳамда олий таълимда кадрлар билан ишлашда ривожланган мамлакатлар тажрибаси асосида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш механизмларини жорий этиш лозимлиги ҳақида таклифлар илгари сурилган;

олий таълим тизимида «комплеанс-назорат» хизматини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари ва «дастлабки ўрганиш» – «коррупцион суриштирув» институтини жорий этиш ҳақидаги таклифлар асослантирилган;

олий таълимда кенг тармоқли рақамлаштиришни жорий этиш коррупциянинг олдини олиш механизми эканлиги асослантирилиб, олий таълимда академик ҳалолликни таъминлашда коррупцияга имкон бераётган омилларни бартараф этиш асослари таклиф қилинган;

олий таълим тизимида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ўрганиш натижасида, жиноятлар статистикасини таҳлил қилиш, ахборотлар интеграциясини йўлга қўйиш йўллари таклиф этилган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот миллий қонунчилик нормалари, халқаро стандартлар, ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси, социологик тадқиқотнинг анкета шакллари асосланган, статистик маълумотлар таҳлили, ҳуқуқни қўллаш амалиётдаги муаммоларни аниқлаш, уларни ечишга йўналтирилган ҳаракатлар моделининг методик хусусиятга эга тавсиялар орқали синовдан ўтказилганлиги, натижалари - фаолиятнинг самарадорлигига таъсир этишга қаратилган тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Тадқиқот этилаётган муаммо бўйича 250 нафардан ортиқ давлат хизматчилари, профессор-ўқитувчилар, «комплеанс-назорат» тузилмалари ходимлари ўртасида сўровномалар ўтказилган. Тадқиқот натижалари синовдан ўтказилган ҳамда республиканинг етакчи миллий нашрлари ва халқаро журналлар, илмий-амалий конференциялар тўпламларида чоп этилган. Ваколатли давлат органлари томонидан натижаларнинг жорий қилиниши бўйича далолатномалар билан тасдиқланган ва қонунчилик ҳужжатлари ҳамда амалиётга жорий этилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, олий таълим тизимида меҳнатга оид муносабатларда коррупциявий ҳолатларнинг келиб чиқиш омиллари, уларни бартараф этиш йўллари, коррупциявий хавф-хатарларнинг олдини

олиш ва қарши курашишнинг назарий асослари, ўзига хос хусусиятлари дастлабки илмий-назарий манба сифатида баҳоланиши, келгусида олий таълим тизимининг бошқа соҳаларида коррупциянинг олдини олиш ва қарши курашишда янги тадқиқотларда превентив чораларни қўллашда, олий таълим тизими иштирокчиларининг коррупцияга қарши хулқ-атворини шакллантиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши қонунчилигига ўзгартиришлар киритиш ва янги нормалар ишлаб чиқишда, коррупцияга қарши мўлжалланган Давлат дастурларини ишлаб чиқишда, «Коррупцияга қарши курашишдаги долзарб муаммолар», «Коррупцияга қарши курашиш: умумназарий масалалар» каби модулларни ўқитиш ва ўқув-методик қўлланмалар «Коррупцияга қарши курашиш асослари» ўқув фан дастурларини тайёрлашда, мавзуга оид илмий-тадқиқот ишларида ва муҳими жамият аҳлида коррупцияга қарши, тоқатсиз, мурасасиз муҳит яратишга оид тафаккурни юксалтиришда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Олий таълим тизимида коррупцияга қарши курашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар йўналишидаги тадқиқотларнинг илмий натижалари асосида:

педагогик кадрларни олий таълим ташкилотларига ишга қабул қилишда молиявий мустақиллик берилган олий таълим ташкилотларига алоҳида тартиб жорий этилиши ҳақидаги таклифидан Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 7 сентябрдаги ЎРҚ-957-сонли «Маъмурий ислоҳотлар доирасида таълим соҳасида давлат бошқаруви такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунда (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитасининг 2025 йил 17 апрелдаги 04/8-10-14-сон маълумотномаси) фойдаланилган. Мазкур таклифнинг жорий этилиши молиявий мустақиллик берилган олий таълим ташкилотларига педагогик кадрларни ишга қабул қилишда коррупциявий ҳолатларни ҳолатларни олдини олишга хизмат қилади;

қасддан содир этилган жиноят учун илгари судланган шахсларнинг Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, вазирлик тизим ташкилотлари, ҳудудий бўлинмалари ҳамда олий таълим ташкилотларига раҳбарлик лавозимларига тайинланишини таъқиқлаш тўғрисидаги таклифидан Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 7 сентябрдаги ЎРҚ-957-сонли «Маъмурий ислоҳотлар доирасида таълим соҳасида давлат бошқаруви такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунининг 26-моддасининг 4-қисмига қўшимча ва ўзгартириш киритишда (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар

масалалари қўмитасининг 2025 йил 17 апрелдаги 04/8-10-14-сон маълумотномаси) фойдаланилган. Мазкур таклифнинг жорий этилиши Олий таълим тизимида раҳбарлик лавозимларига қасддан содир этилган жиноят учун илгари судланган шахсларнинг тайинланишини ва манфаатлар тўқнашувини олдини олишга хизмат қилади;

вазирлик томонидан идоравий мансублигидан қатъи назар, давлат ва давлат иштирокидаги олий, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотлар фаолиятида соҳага оид қонунчиликка риоя этилиши мониторингини олиб боради, қонун ҳужжатлари ва таъсис ҳужжатларида аниқланган бузилишларни бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритишига оид таклифидан Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 8 августдаги 489-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги тўғрисида»ги Низомнинг 11-банди (вазирлик функциялари) 1-кичик банди саккизинчи хатбошини ишлаб чиқишда (Ўзбекистон Республикаси Бош вазири қотибиятининг ижтимоий ривожланиш масалалари бўлимининг 2025 йил 14 апрелдаги 27/1-17-сон маълумотномаси) фойдаланилган. Мазкур таклифнинг жорий этилиши Олий таълим вазирлиги томонидан коррупцияни ва манфаатлар тўқнашувини олдини олишга хизмат қилади;

Олий таълим вазири коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ Вазирлик тизимида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўли билан уларни содир этишга имкон яратувчи омилларни аниқлаш, таҳлил қилиш, сабаб ва шароитларини бартараф этишига оид таклифидан Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 8 августдаги 489-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги тўғрисида»ги Низомнинг 25-бандининг йигирма иккинчи кичик бандини ишлаб чиқишда (Ўзбекистон Республикаси Бош вазири қотибиятининг ижтимоий ривожланиш масалалари бўлимининг 2025 йил 14 апрелдаги 27/1-17-сон маълумотномаси) фойдаланилган. Мазкур таклифнинг жорий этилиши Олий таълим вазирнинг коррупцияни ва манфаатлар тўқнашувини олдини олишга оид функционал вазифасини аниқлаштиришга хизмат қилади;

вазирлик тизимидаги олий таълим ташкилотлари, ташкилотлар ва ҳудудий бошқармалар раҳбарлари ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонунчиликни такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали ҳудудий бошқармалар тизимида қонунчилик талабларига мувофиқ коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этишга оид таклифидан Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар

Маҳкамасининг 2024 йил 8 августдаги 489-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги тўғрисида»ги Низомнинг 28-бандининг ўн иккинчи кичик бандини ишлаб чиқишда (Ўзбекистон Республикаси Бош вазири қотибиятининг ижтимоий ривожланиш масалалари бўлимининг 2025 йил 14 апрелдаги 27/1-17-сон маълумотномаси) фойдаланилган. Мазкур таклифнинг жорий этилиши коррупцияга қарши курашишда вазирлик тизимидаги олий таълим ташкилотлари, ташкилотлар ва ҳудудий бошқармалар раҳбарларининг функционал вазибаларини аниқлаштиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро, 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган давра суҳбатлари, семинарлар, ОТМ профессор-ўқитувчилари билан учрашувлар ва фан соатларида тақдим этилган.

**Тадқиқот натижаларининг нашр этилганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий мақола (6 таси диссертация асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган миллий журналларда, 3 таси халқаро журналларда, 4 та миллий ва хорижий конференцияларда тезислар) нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўққизта параграфдан иборат уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 156 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурияти, унинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мавзунинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, мақсад ва вазибалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий этилиши, апробацияси, натижаларнинг нашр этилганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг *«Коррупцияга қарши курашишнинг назарий-ҳуқуқий асослари»* деб номланган биринчи бобида коррупция келиб чиқиши, тушунчаси ва ҳуқуқий табиатига оид назарий-ҳуқуқий қарашлар, олий таълимда коррупциявий омиллар ва унга қарши курашишнинг умумбашарий кўринишлари, олий таълим тизимида коррупциявий хавф-хатарлар ва унинг олдини олишнинг ҳуқуқий асосларини тартибга солувчи миллий қонунчилик нормаларини қўллашда юзага келаётган айрим муаммолар ва уларни бартараф этиш масалалари тадқиқ этилган.

Муаллиф томонидан олий таълим соҳасида коррупция бошқа соҳалардаги коррупциядан тубдан фарқ қилиши, шунингдек, коррупциянинг

пайдо бўлиши ва ривожланишига қуйидаги омиллар сабаб бўлиши асослантирилган:

1. Иқтисодий аҳвол (иш ҳақининг камлиги, давлат хизматчисининг шахсий бизнесга боғлиқлиги, инсофсиз рақобат, монополия ва бошқалар).

2. Институционал тузилмалар фаолиятидаги камчиликлар (давлат хизматчилари малакасининг камлиги, ички назоратнинг суствлиги, конунчиликдаги бўшлиқлар ва бошқалар).

3. Салбий ижтимоий-маданий омилларнинг (интизомсизлик, ҳалолликнинг етишмаслиги, жамоатчилик назоратининг етишмаслиги ва бошқалар) мавжудлиги.

Муаллиф олий таълим тизимида «коррупция» тушунчасини аниқлаш бўйича турли илмий ёндашувларни таҳлил қилган. Шунингдек, бу борадаги илмий-назарий қарашлар бўйича олимларнинг позициялари (E.D.Schmidt, П.И.Ургарчева, А.Осипиан, Б.Джейкобс, З.Нарзиев) кўриб чиқилган. Таҳлиллар асосида муаллиф томонидан «олий таълимда коррупция» тушунчасининг муаллифлик таърифи таклиф этилган.

Муаллиф томонидан олий таълимда меҳнат муносабатларида коррупция тушунчасига қуйидагича муаллифлик таърифи ишлаб чиқилиб, «Олий таълимда меҳнат муносабатларида коррупция-олий таълим тизими мансабдор шахсининг, шунингдек давлат фуқаролик хизматчилари ўзининг хизмат доирасига кирувчи ва ўз мансаб ваколатлари соҳасида ҳар қандай шаклдаги ҳақ ёки манфаат эвазига иккинчи томоннинг манфаатларида, мансаб йўриқномаси қоидаларига ҳилоф равишда муайян ҳаракатларни бажариши ёки рад этишидир» деган ҳулосага келинган.

Тадқиқотда олий таълимда меҳнат муносабатларида коррупциявий омилларнинг вужудга келишини қуйидагича йўналишларга олий таълим вазирлиги иш берувчи сифатида олий таълим муассасалари раҳбарлари корпусини шакллантириш ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган коррупциявий омиллар (ректор, директор, филиал раҳбарлари, проректорларни тайинлаш ва уларни меҳнатини баҳолашга оид механизмлар), олий таълим муассасалари раҳбарлари иш берувчи сифатида факультет декани ёки бошлиғи, кафедра мудири, таркибий тармоқ раҳбарлари, шунингдек профессор ўқитувчиларни тайинлаш, ишга қабул қилиш ва уларни меҳнатини баҳолаш, олий таълим муассасаларида фаолият юритувчи ходимларни меҳнатини баҳолаш, рағбатлантириш, уларга қўшимча устама ва тўловларни амалга ошириш билан боғлиқ муносабатлар жараёнида вужудга келадиган коррупциявий омиллар, энг қуйи бўғин бўлсада бироқ, энг ҳал қилувчи ва кенг аҳамиятли бўлган олий таълим муассасаларида меҳнат фаолиятини олиб борувчи ходимлар билан олий таълимда таҳсил олувчи субъектлар ўртасида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатлар натижасида ҳосил бўлувчи коррупциявий омилларга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ эканлиги асослаб берилган.

Муаллифнинг фикрига кўра, ҳар бир омил ва шарт шароитларни тартибга солиш, коррупциявий ҳолатларни олдини олишга қаратилган

маълум бир ҳуқуқий меъёрлар ва тартиблар ишлаб чиқилиб, жорий этилган бўлсада бироқ, айнан ушбу ҳуқуқий ҳужжатларни амалда қўллаш жараёнидаги лоқайдлик, шунингдек ушбу ҳужжатларнинг ўзидаги мавжуд ноаниқликлар коррупцияга мойиллиги бўлган шахсларга имконият яратиши мумкин.

Муаллиф олий таълим тизимида педагог ва раҳбар ходимлар билан муддатли меҳнат шартномаларининг тузилиши ва ходимларнинг ишсиз қолмасликларига бўлган талаб ва эҳтиёжга кўра коррупцион омилларни вужудга келишига сабаб бўлишини асослантиришга ҳаракат қилган.

Швеция (Стокгольм университети)да «Бандликни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунга кўра, таълим берувчилар билан меҳнат шартномаси муддатли тузилиши мумкин. Бироқ, бундан доктор илмий даражаси ёки профессор унвонига эга педагог ходимлар мустасно.

Швед моделига кўра, катта ўқитувчилар ва доцентлар билан меҳнат шартномаси тўрт йилга, кичик ўқитувчилар таркиби билан эса икки йил муддатга, Канада, Япония университетларида меҳнат шартномалари бир йил муддатга, малакали педагог ходимлар билан эса номуайян муддатга тузилишини инобатга олиб миллий қонунчиликка бу тажрибани имплементация қилиш заруратини таклиф этган.

Муаллиф томонидан олий таълимда педогог ходимларга илмий унвонлар бериш соҳасида вужудга келиши мумкин бўлган коррупцион ҳолатлар сабаб бўлаётган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил қилинган. Жумладан, 2006 йил 10 февралдаги 20-сон қарори билан тасдиқланган «Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг бешинчи банд иккинчи қисмига мувофиқ профессор илмий унвонига талабгорлар томонидан нашр этирилиши шарт бўлган «кафедранинг таълим йўналишлари бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмалари муаллифи бўлиш шarti билан бир муддатга иштирок этиши мумкин.» деган қоида билан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2016 йил 28 апрелдаги 224/8-сон қарори билан тасдиқланган «Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг ўн иккинчи банди кичик «ж» бандига мувофиқ эса, «педагогик амалиётда фойдаланилаётган ўқув адабиётлари» деган талаблар ўртасидаги номувофиқлик педогогик фаолият субъектларига раҳбарлик қилувчи шахсларнинг субъектив ёндашувини вужудга келтириши ва мазкур ҳолатлар коррупциявий хавф-хатарларнинг ортишига хизмат қилиши асослантирилган.

**«Олий таълимда меҳнатга оид муносабатларда коррупциянинг олдини олиш механизмларини жорий этиш»** деб номланган иккинчи бобида олий таълим тизимида коррупцияга қарши курашишга оид жараёнларни илмий назарий баҳолаш, олий таълим тизимида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бошқариш, олий таълим тизимини рақамлаштириш меҳнатга оид муносабатларда коррупциянинг олдини

олишнинг механизми каби масалалари илмий-амалий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Диссертация муаллифи томонидан олий таълим тизимида меҳнат муносабатларини рақамлаштириш — таълим муассасаларида фаолият юритувчи профессор-ўқитувчилар, маъмурий ходимлар ва хизмат кўрсатувчи персонал ўртасидаги меҳнат алоқаларини замонавий технологиялар ёрдамида шаффоф, самарали ва тезкор тарзда бошқариш имконини бериши асослантилган.

Унинг фикрига кўра, олий таълимда меҳнат муносабатларини рақамлаштиришнинг устувор йўналишлари сифатида қуйидагиларни амалга ошириш муҳим саналади.

Электрон меҳнат шартномаларини жорий этиш ва барча ходимлар билан тузиладиган шартномаларни электрон платформа орқали расмийлаштириш натижасида шартнома мазмуни, давомийлиги, ўзгаришлари автоматик равишда электрон маълумотлар базасини яратиш ҳамда меҳнат шартномаларини қонунчиликка мос равишда ЭИМ (электрон имзо) орқали тасдиқлаш тизимини жорий этиш.

Кадрлар ҳисобини автоматлаштириш ва кадрлар бўлими фаолиятини рақамлаштириш орқали ишга қабул, ишдан бўшатиш, таътиллар, хизмат сафари, малака ошириш жараёнлари электрон тарзда юритиш ҳамда HRM (Human Resource Management) тизимлари орқали ходимлар ҳақидаги барча маълумотларни марказлаштириш.

Электрон давомат ва иш вақти назоратини рақамлаштириш натижасида ходимларнинг иш вақти, кечикишлар, ташрифлар ва фаоллик даражаси электрон давомат тизимлари орқали кузатиб бориш ҳамда биометрик тизимлар (бармоқ изи, ID-карта, Face ID) билан интеграция қилиш.

Электрон иш фаолиятини баҳолаш орқали олий таълим муассасаларида ишлаётган ходимларнинг фаолият натижаларини баҳолаш жараёнларини рақамлаштириш, бунда илмий-ижодий фаолият, ўқув-услубий иш ҳажми, илмий-инновацион лойиҳалардаги иштироки ва аноним сўровлар орқали олинган талабалар фикри асосида рейтинг баҳолаш тизимларини шакллантиришга асос бўлади.

Шунингдек, маош ва рағбатлантириш тизимини рақамлаштириш орқали иш ҳақлари, мукофот, рағбат ва компенсацияларни ҳисоблаш ва тақдим қилиш тизимини рақамлаштириш натижасида молия ва кадрлар тизимларининг интеграцияси орқали ошқора ва аниқ ҳисоб-китоб олиб борилишига эришиш.

Электрон шикоят ва мурожаат тизимлари орқали ходим ва талабалар учун махсус онлайн мурожаат платформалари яратиш натижасида уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, коррупциявий хатарларни барвақт аниқлаш ҳамда мурожаатларни қонуний асосда ва белгиланган муддатда кўриб чиқиш имконияти яратилади.

Тадқиқотчи Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигида коррупцияни олдини олиш ва уни эрта аниқлаш ҳамда коррупцияга қарши

курашиш жараёнларини мунтазамлик касб этишини таъминлаш, шунингдек Олий таълим тизимида комплаенс назорат тизимини янада кучайтириш, коррупциявий хатти-ҳаракатлар ҳақида мурожаатлар келиб тушганда ёки комплаенс назорат хизмати томонидан коррупциявий ҳолатларга йўл очилаётганлиги тўғрисида ахборотлар мавжуд бўлганда, ҳолатга ҳақиқий баҳо бериш ва тегишли хулосалар чиқариш учун «комплаенс назорат» хизмати ходимлари бошчилигида амалга ошириладиган «дастлабки ўрганиш» – коррупцион суриштирув институтини жорий этиш ва бунда «Дастлабки ўрганиш» – коррупцион суриштирувни амалга оширувчи доимий ишчи гуруҳ шакллантирилиши, ишчи гуруҳ зиммасига, дастлабки суриштирув фаолиятини амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этиш, коррупцион ҳолатларни аниқлашга хизмат қилувчи аноним сўровномалар ўтказиш, коррупцион ҳолатлар баён этилган мурожаат, оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқларда ёритилган хабарлар юзасидан дастлабки ўрганишлар ўтказиш, аниқланган ҳолатлар бўйича вазирга таклифлар киритиб бориш каби вазифаларни юклаш келгусида коррупцион вазиятларни вужудга келишини олдини олиш ва барвақт аниқлашга хизмат қилишини асослантиришга ҳаракат қилган.

**«Олий таълимда меҳнатга оид муносабатларда коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш»** деб номланган учинчи бобида олий таълим муассасаларида меҳнатга оид муносабатларда коррупцияга қарши курашишда академик ҳалолликни таъминлаш ва бу борада хорижий тажрибанинг ўрни, олий таълимда меҳнатга оид муносабатларда коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш масалалари илмий-назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ қилинган.

Диссертация муаллифи олий таълим тизимида коррупцияни олдини олишда академик ҳалоллик даражасини халқаро тажриба асосида таҳлил қилишга ҳаракат қилган ва ўзининг муаллифлик таърифини ишлаб чиққан.

Тадқиқотчи **«олий таълимда академик ҳалоллик»**ка қуйидагича муаллифлик таърифини илгари суради: «Академик ҳалоллик - бу олий таълим ва ундан кейинги таълим фаолиятида профессионализм, ҳалоллик, адолат, ростлик, ишонч, юксак касбий ахлоқ, шахсий жавобгарликни англатадиган, талабалар ва профессор-ўқитувчилар ўртасида ишончли муҳит яратишга ёрдам берадиган, сифатли таълим орқали билимларнинг ҳаққонийлигини таъминлайдиган, олий таълимда фирибгарлик, плагиат ва инсофсизликка қарши кураша оладиган, ҳар бир олий таълим иштирокчисининг академик ҳалол бўлиши ва бошқаларнинг ноҳақлигига тоқат қилмаслик қобилияти».

Муаллиф олий таълимда меҳнатга оид муносабатларда коррупциянинг олдини олишда амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш заруратини қуйидагилар билан изоҳлашга ҳаракат қилган: биринчидан соҳада коррупциянинг олдини олиш имкониятларини кенгайтириш, иккинчидан

коррупциявий омилларни барвақт аниқлаш, учинчидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва меъёрий ҳужжатлар ижросини мониторингини юритиш, тўртинчидан, содир этилган коррупциявий жиноятларга нисбатан тегишли жазо чораларини қўллаш имконини беради.

Муаллиф 2024 йил апрель ойида Агентлик томонидан коррупция фактлари тўғрисида хабар берган фуқароларни таъқиб ва камситишлардан ҳимоя қилиш кафолатларини назарда тутувчи «Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган шахсларни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига қўйилган бўлсада, аммо, қонун 2025 йил апрель ҳолатига кўра ҳам қабул қилинмаганлиги, Олий таълим тизими давлат хизматчиларининг даромадларини декларациялаш тизими яратилмаганлиги, шунингдек Ўзбекистонда 2022 йил 1 январдан бошлаб давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган давлат корхоналари ва муассасаларининг давлат хизматчилари, раҳбарлари ва ўринбосарлари, шунингдек, уларнинг турмуш ўртоқлари ва вояга етмаган фарзандларининг даромадлари ва мол-мулкни мажбурий декларациялаш тизими жорий этилиши белгиланган бўлсада бироқ, мазкур қонунлар қабул қилинмаганлиги олий таълим тизимида меҳнат муносабатларида коррупциявий омиллар ортишига хизмат қилаётганлигини таъкидлайди.

Тадқиқот ишида Олий таълим муассасаларига ректор ва проректорларни вазифага тайинлашда қонун ҳужжатларини мувофиқлаштириш ва манфаатлар тўқнашувини олдини олиш коррупцияга қарши курашишнинг шарти ҳисобланади. Давлат, давлат улуши мавжуд бўлган ва нодавлат олий таълим муассасаларига ректор ва проректорларни тайинлашнинг ягона механизми мавжуд эмас. Бу эса ўз навбатида турли ёндашувларни келиб чиқишига, манфаатлар тўқнашувини вужудга келишига сабаб бўлмоқда. Мазкур ҳолатларни олдини олиш олий таълим тизимида бошқарувнинг ягона тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади деган хулосага келган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунининг 23-моддасида Вазирлар Маҳкамасининг таълим соҳасидаги ваколатларидан бири сифатида «давлат олий таълим ташкилотлари ректорларини, шунингдек давлат иштирокида ташкил этиладиган олий таълим ташкилотлари (давлат улуши бўлган нодавлат олий таълим ташкилотлари, қўшма таълим ташкилотлари, давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этиладиган таълим ташкилотлари ва бошқалар) ректорларини (раҳбарларини) лавозимга тайинлайди ҳамда эгаллаб турган лавозимидан озод этиши» назарда тутилганлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги ПҚ-4391-сон қарорининг еттинчи банди «б» ва «в» кичик бандларида олий таълим муассасалари ректор (филиал директори), проректор (директор ўринбосари)ларни тайинлаш бўйича алоҳида тартиб ўрнатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги ПҚ-60-сон қарорининг 3-бандига кўра, 2022 йил 1 январдан бошлаб молиявий мустақиллик берилган давлат олий таълим муассасаларида васийлик

кенгашлари тугатилиб ҳамда таркибининг камида 70 фоизи тегишли вазирлик, идоралар, кадрлар буюртмачилари, жамоатчилик вакиллари ва ҳомийлардан иборат бўлган юридик шахс мақомисиз олий таълим муассасаларининг Кузатув кенгашлари ташкил этилди.

Мазкур банднинг тўртинчи хатбошига кўра, «молиявий мустақиллик берилган давлат олий таълим муассасаси ректори ва проректорлари Кузатув кенгаши томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади» деб белгиланган.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги ягона низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 2022 йил 21 февралдаги 80-сонли қарори билан тасдиқланган «Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисида»ги ягона низомга 2-иловада назарда тутилган Нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш Паспортининг 9-бандида Лицензия талаблари ва шартлари берилган бўлиб, нодавлат олий таълим муассасаларига ректор ва проректорлар тайинлаш бўйича умумий шартлар назарда тутилмаган ва мазкур лавозимга тайинланадиган шахсларга қўйиладиган талаблар белгиланмаган.

Юқорида кўрсатилган қонун ҳужжатларининг таҳлили давлат ва нодавлат олий таълим муассасаларига ректор ва проректорларни лавозимга тайинлаш ва ундан озод этишда ягона ёндашув мавжуд эмаслигини, аксинча бир-бирини инкор этувчи нормалар мавжудлигини, қонун ҳужжатлари ўртасида ўзаро номувофиқлик мавжудлиги тадқиқотчи фикрича давлат олий таълим муассасаларига ректор ва проректорларни тайинлашнинг ягона тизими жорий этилиши ва қонун ҳужжатларидаги ўзаро номувофиқлик бартараф этилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Шу билан бирга, қонун ҳужжатларида ректор ва проректор лавозимида қўйиладиган талаблар мавжуд эмаслиги бу борадаги суистеъмолчиликнинг бош омили бўлиб келишини инобатга олиб:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунида ректор ва проректорларга қўйиладиган қўйидаги умумий талаблар белгиланиши лозим: «Тайинланган кунига қадар ўттиз беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган, илмий даража ва илмий унвонга эга бўлган, юқори бошқарувчилик ва ташкилотчилик қобилиятига эга Ўзбекистон Республикаси фуқароси (истисно ҳолларда юқори малакали чет эл фуқаролари) олий таълим муассасаларининг ректори ёки проректори бўлиши мумкин».

Иккинчидан, давлат олий таълим муассасаларига ректор ва проректорларнинг лавозимида тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш бўйича таълим тўғрисида назарда тутилган ягона тартибга риоя этиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилдаги ПҚ-4391-сонли қарорининг «7-банди ўн тўртинчи хатбоши»ни ва 2021 йил 24 декабрдаги ПҚ-60-сон

қарорининг 3-банди, тўртинчи хатбошини ўз кучини йўқотган деб топиш лозим.

Учинчидан, Вазирлар Маҳкамасининг «Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги ягона низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 2022-йил 21-февралдаги 80-сонли қарори билан тасдиқланган «Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги ягона низомга 2-иловада назарда тутилган Нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш Паспортининг 9-бандида Лицензия талаблари ва шартларига “нодавлат олий таълим ташкилотларига ректор ва проректорларни лавозимига номзодларни тайинлашда мажбурий тарзда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан келиш»га оид талабни киритиш лозим. Бунда ректор ва проректорликка номзодлар «Таълим тўғрисида»ги қонунда белгиланадиган номзодларга қўйиладиган талабларга жавоб бериши кўрсатилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Тўртинчидан, олий таълим муассасаларига профессор-ўқитувчиларнинг танлов (сайлов) асосида ишга қабул қилиниши, уларнинг олий таълим муассасаси юқори органи (Илмий кенгаши)да ёпиқ овоз бериш тартибларини бекор қилиш ва унинг ўрнига бу жараёнларни инсон омилсиз, автомат тарзда ишлов беришга йўналтирилган, номзод даъвогарлик қилаётган вазифа (мансаб)га қўйиладиган талабларни тўлиқ қамраб олган саволларга жавоблар бериш автомат тизими - рақамлаштирилган платформалар орқали ҳолда амалга ошириш мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди.

Бу ўз навбатида таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик, субъективизмнинг олдини олади, номзодларнинг вазифага холис келишини таъминлайди.

